

Единый портал корпоративной информации

Объявления

"O'zagrolizing" AJ

Объявление

"O'ZAGROLIZING" AKSIYADORLIK JAMIYATI

АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ЎТКАЗИЛИШИ
ТЎҒРИСИДА ЭЪЛОН

“O'zagrolizing” акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

“O'zagrolizing” акциядорлик жамияти (100100, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 42а-уй, info@agroleasing.uz) **2024 йил 28 февраль кuni соат 10:00** да жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамият биноси мажлислар залида ўтказилишини маълум қилади.

Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказиладиган манзил:
**Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси,
42а-уй, жамият биносининг мажлислар зали.**

Жамият акциядорларини рўйхатга олиш **2024 йил 28 февраль кuni соат 09:00** да бошланади. Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш учун акциядорлар қонунчиликка мувофиқ шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни рўйхатга олиш вақтида тақдим этиши шарт. Юридик шахсларнинг вакиллари белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари сўралади.

Умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар:

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
3. “O'zagrolizing” акциядорлик жамияти Уставини янги таҳрирда тасдиқлаш.
4. “O'zagrolizing” акциядорлик жамиятининг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган саналар:

- Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси: **2024 йил 29 январь**;
- Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрини шакллантириш санаси: **2024 йил 22 февраль**.

Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўйича тайёрланган ҳужжатлар билан танишиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: **Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 42а-уй**, “O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти.

Мурожаат учун телефон: 71 207-30-47

31.01.2024

Источник: <https://openinfo.uz/uz/announce/16731/>

Дата: 06.05.2026